

**27-28 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида
Ислон ҳамкорлик ташкилоти Ёшлар форуми
бўлиб ўтмоқда. Унда турли давлат ва жамоат
ташкилотлари вакиллари иштирок этмоқда.**

Image not found or type unknown



12:39 / 28.06.2024 1166

Нуфузли тадбир доирасида Ислон ҳамкорлик ташкилоти бош котиби ўринбосари Тариқ Али Бахит, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Зайниддин домла Эшонқулов, Халқаро ислом академияси ректори Уйғун Ғофуров янги боғни очиб, унга манзарали дарахт кўчатларини ўтқаздилар.

Тадбир Қуръон Карим тиловати ва хайрли дуолар билан бошланди.

Сўзга чиққан Зайниддин домла Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг форум иштирокчиларига йўллаган табрик ва қутловларини ўқиб эшиттириш баробарида хайрли тилакларини билдирдилар.

Шунингдек, форумда юртимизда ёшлар таълим-тарбиясига қаратилган эътибор, уларни ҳар томонлама етук шахс қилиб камол топишлари борасида олиб борилаётган хайрли ишлар, хусусан, диний таълим муассасаларида талаба-ёшлар ўқиб-ўрганишлари учун қилинган шарт-шароитлар тўғрисида сўз юритилди.

Тадбирда юртимиз ва хорижлик мутахассислар ўзаро тажриба алмашиш баробарида ушбу йўналишдаги янгилик ва илмий тадқиқотлардан баҳраманд бўлди.

Бугун, 28 июнь куни мазкур тадбирнинг иккинчи босқичи ўтказилмоқда.



